


Шахмат

## Олдинда яна беш тур



***Испаниянинг Витория-Гастейс шаҳрида дунёнинг энг кучли олти шахматчисидан иборат халқаро мусобақа бўлиб ўтмоқда.***

"Liga de Champeones" ("Чемпионлар лигаси") номини олган турнирда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов аста-секин ўз ўйинини топиб бормоқда.

Дастлабки турларда мағлубиятга учраган Қосимжонов 4- ва 5-турларда дурангга имзо чекди. Мусобақа пешқадами украиналик Руслан Пономарев билан дона сурган ҳамюртимиз мағлубиятга учраётган бир паллада дуранг қилишга муваффақ бўлди. 5-турда машҳур Анатолий Карпов Қосимжонов қаршилигини синдиролмади.

Эслатиб ўтамиз, халқаро турнир икки даврада ўтказиляпти. Ҳозиргача биринчи давра ўйинлари бўлиб ўтди. Шахматчиларни олдинда яна беш партия кутиб турибди.

Футбол

## «Нефтчи»нинг кутилмаган мағлубияти

***Дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Олий лига жамоалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. 26-тур баҳсларида майдонга чиққан жамоалар ўзлари учун керакли натижаларни қайд этишди.***

Турнинг шов-шувли натижаси Фарғонадаги марказий ўйингоҳда рўй берди. Юрий Саркисян шогирдлари бу турда Тошкентнинг "Локомотив" жамоасини қабул қилди. Бутун ўйин давомида фарғоналиклар хавфли ҳужумлар уюштиришган бўлса-да, аммо омад меҳмонлар тарафида эканлиги ҳакам қўшиб берган дақиқаларда ўз исботини топди. Айни шу паллаларда темирйўлчилардан Эркин Бойдуллаевнинг киритган голи меҳмонларга сафардан 3 очко билан қайтишига замин яратди.

Турнир жадвалининг энг қуйи поғонасида жойлашган Бекободнинг "Металлург" клуби эса Андижонга сафар уюштирди ва 2:2 ҳисобида дурангга имзо чекди. Исабоев 89-дақиқада ҳисобни тенглаштирувчи голни киритиб, бекободликларга қимматли 1 очкони тақдим этди.

Қолган натижалар қуйидагича: "Шўртан" – "Вобкент" 2:1, "Қурувчи" – "Машъал" 2:0, "Насаф" – "Трактор" 4:2, "Тўпаланг" – "Қизилқум" 4:1, "Пахтакор" – "Самарқанд-Динамо" 2:0, "Бухоро" – "Навбаҳор" 1:0.

***МДҲ мамлакатлари орасида энг кучли чемпионат ҳисобланган Россия премьер-лигаси бу йилги ғолибини аниқлади. Унда Санкт-Петербургнинг "Зенит" жамоаси чемпион деган шарафли номга сазовор бўлди.***

## "Зенит" — Россия чемпиони

Мусобақа ғолиби 30-турга келиб аниқланди. "Зенит" энг яқин таъқибчиси "Спартак"дан 2 очко кўп жамғаришга муваффақ бўлди. Сўнгги турда "Сатурн" жамоаси майдонига сафар уюштирган питерликлар кичик 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Учрашувдаги ягона голни 14-дақиқада меҳмонларнинг чехиялик легионери ярим ҳимоячи Радек Ширл рикошет ёрдамида киритди.

"Зенит" жамоасини бу йил голландиялик мураббий Дик Адвокат бошқарди. Айтиш мумкинки, мураббийнинг бой тажрибаси "Зенит"га орзиқиб кутилган чемпионликни тақдим этди. Энди Санкт-Петербург жамоаси келгуси йили Европа Чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичидан ўз ўйинларини бошлайди.

Бокс

***Профессионал бокснинг яримўрта вазн WBA йўналиши чемпиони Мигель Котто ўз камарини муносиб ҳимоя қилолди. Ўтган шанба оқшомида унга қарши дунёнинг энг машҳур боксчиларидан бири, америкалик Шейн Мозли рингга кўтарилди.***

## Котто барибир кучли

Иккала боксчи жангнинг аҳамиятини англаган ҳолда ҳаракат қилишди. Учрашувнинг дастлабки қисмида Мозли Коттодан тезкор бокс усулини қабул қилди. Гоҳ у-гоҳ бу боксчи аниқ ҳаракатлари билан томошабинларга ёқадиган бокс намойиш этишди. Бироқ ташаббус ҳеч қайси спортчи тарафида бўлмади. Учрашув якунлангач, ҳакамларнинг қарорига кўра, Мигель Котто 116-113 ва икки марта 115-113 ҳисоблари билан ғалаба қозонди. Шундай қилиб, профессионал рингда бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган пуэрто-риколик спортчи чемпионликни сақлаб қолди.

Теннис

## Мусобақага хос рекорд

***Бельгиялик Жюстин Энен Арден WTA мусобақаларининг энг сўнгги ҳал қилувчи турнирида ғолиб чиқиб, сайёрамизнинг енгилмас теннисчиси эканлигини яна бир бор исботлади.***



Мадрид шаҳрида ташкиллаштирилган мазкур мусобақа финалида Жюстин Эненга россиялик машҳур Мария Шарапова рақиб бўлди. Уч соату йигирма тўрт дақиқа давом этган муросасиз беллашувда 5:7, 7:5, 6:3 ҳисоблари қайд қилиниб, унда бельгиялик спортчи ғалаба қозонди. Теннисчиларнинг финалдаги тўқнашувига сарфланган вақт рекорд натижа бўлди. Сўнгги саккиз йил ичида ҳеч қайси мусобақа финали бу тарзда якунланмаган.

Жюстин Энен ғалаба учун бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги чекка эга бўлди. Умуман олганда, унинг бу йил мусобақалардан ишлаб топган маблағи 5 миллиондан ошиб кетди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

***Омонхона қишлоғи Бойсун шаҳридан ўн тўрт километр пастда жойлашган. Паст-баланд қир-адирликлар билан ўраб олинган сўлим қишлоқда минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. Нақл қилишларича, маҳаллий аҳоли юқумли касалликлар билан асло оғримаган. Бу ерда гепатит (сариқ) касаллиги у ёқда турсин, ҳатто ошқозон-ичак касаллиги билан оғриганлар ҳам рўйхатга олинмаган. Аксинча, узоқ-узоқ манзиллардан юқумли сариқ касаллигига чалинган, ҳатто жигар циррози билан оғриган кишилар дардига даво излаб Омонхона қишлоғига келар экан.***

# Омонхона шифо булоғи — ҳаёт малҳами

Хўш бунинг боиси нимада? Гап шундаки, қишлоқ бошида тошларни ёриб, булоқ кўз очган. Яратганнинг қудрати билан чашманинг зилол суви шифобахш элементларга шунчалик бойки, уни истеъмол қилган киши ошқозон – ичак, сариқ ва жигар циррози каби инсон ҳаётига хавф солувчи ўта хавфли касалликлардан халос бўлади.

Шу боисдан ҳам Омонхона сувининг шифобахш довруғи узоқ-узоқларга бориб етган. Республикамизнинг кўплаб вилоятларидан ҳатто қўшни Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларидан ҳам кишилар дардига дармон излаб Омонхонага келиб, даволаниб қайтишмоқда. Ана шундай овораю сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида "Омонхона муқаддас булоғи" масъулияти чекланган жамияти жамоаси шифобахш сувни елим идишларга қадоқлаб, етказиб бермоқда. Польшада ишлаб чиқарилган ускуналар ёрдамида ўттиз нафар киши бу иш билан машғул.

Улар бу йил истеъмолчиларга ўттиз минг декалитр шифобахш сув етказиб беришди.

Одамлар дардига малҳам бўлаётган бундай ичимликка бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораётганлиги туфайли, меҳнатсевар жамоа ишни икки навбатда ташкил этиб, белгиланган вазифаларни астойдил адо этмоқдалар.

– Муқаддас булоқ суви жуда кўп дардларга даво эканлиги хорижда ҳам маълум ва машҳур бўлди, – дейди корхона иш бажарувчиси Асқар Эшмуродов, – ҳозир Бирлашган Араб Амирлиги, Афғонистон ва Ҳиндистондан талабномалар тушди. Улар билан шартномалар имзоладик. Зиммамиздаги мажбуриятни тўлатўкис бажариш мақсадида корхонани кенгайтириб, ишлаб чиқариш қувватини оширдик. Боз устига, яқинда янги лойиҳа ишга туширилди. Шифобахш сув билан баробар беш хилдаги чанқоқ босди ичимликларни ҳам сотувга чиқардик. Олча, шафтоли, ўрик, олма, нок шарбатлари аралашмаси асосида тайёрланаётган ичимликлар элга манзур бўлмоқда.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**
***Сурхондарё вилояти.***

**ДИҚҚАТ:**

*15 ноябрдан 15 декабргача*

## "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"

***Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бирмунча ортиб бориши билан ёнғин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрь кунидаги 543-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатни олдини олиш учун Республикада 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – "Халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли тураржойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш" деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси**

# Бўлажак чемпионлар жонкуяри

***Комил инсоннинг ўзи ким, у қандай воя етади, буни заҳматли касб эгалари – ўқитувчи ва мураббийлар яхши тушунишади. Ўз навбатида, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан устоз ва мураббийларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами арафасида Президентимиз Фармони билан алоҳида ўрнак кўрсатган халқ таълими ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан мукофотландилар. Улар орасида Дўстлик туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдимутал Ҳусанов ҳам бор.***



У 1990 йили Республика Давлат жисмоний тарбия институтини тугаллаб, ўзи таълим олган 4-мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келди. Мана, ўн етти йилдирки, мактабда жисмоний тарбиядан дарс бериб келяпти. Унинг бевосита ташаббуси билан 1992 йили мактабда гимнастика зали қурилиб, ишга туширилди. Гимнастика жиҳозлари олинди. Ҳар бир дарс машғулотларини бевосита очиқ ва ёпиқ спорт майдонларида ўтказиш йўлга қўйилди.

Энг қувонарлиси, мактабнинг "Орзу" жамоаси 1997 йилдан буён Республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақасида қатнашиб келади. Мактабнинг волейбол қизлар жамоаси ҳам туман, вилоят ва, ҳатто, республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. "Умид ниҳоллари–2002"да бу жамоа биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлганди. Мактабда спортнинг оғир атлетика, волейбол, гимнастика, футбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича барча жиҳозлар етарли.

– "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори айни муддао бўлди, – дейди Абдимутал Ҳусанов. – Жойларда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини шакллантириш,

Қишлоқ спорти

аҳоли манзилларида замонавий болалар спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни замонавий анжомлар билан таъминлашга жиддий аҳамият берилмоқда.

– Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, менга берилган "Шуҳрат" медали барча жисмоний тарбия ўқитувчилари меҳнатининг муносиб баҳоси, деб биламан. Бу мукофот мени ва мактабимиз жамоасини руҳлантириб юборди ва янада фидойилик кўрсатиб ишлашга даъват этди, – дея қувончини ичига сиғдиролмади спорт жонкуяри.

Абдимутал Ҳусанов туманда тузилган жамғармага аъзоликка қабул қилинди. Айни пайтда бу туманда 19 та ёпиқ спорт зали, 30 та спорт майдончаси ўсмирлар ихтиёрида. Ҳар йили мингга яқин ўқувчилар спорт разрядига эга бўлмоқда. 7 мингдан ошиқ ўсмир спортнинг 12 тури бўйича тўгаракларда машғулотлар ўтказмоқда. Қарийб 10 минг нафар ўқувчи мунтазам равишда спорт билан шуғулланмоқда.

Ҳозирда спорт фидойиси мактабда ишлаш билан бирга туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам волейбол бўйича мураббийлик қилиб келяпти.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ**

**СУРАТДА:** жисмоний тарбия ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Абдимутал Ҳусанов.

**Муаллиф олган сурат**

***Жиззах вилояти***

*Ўқинг, қизиқ*

***Асбест – "ёнмайдиган" деган мазмунни англатади. Халқ орасида уни тош пахта деб юритадилар. Тош пахта кўпгина нозик толалардан ташкил топади, ундан оловга чидамли ҳар хил матолар тўқиш мумкин.***

## Тош пахта

Бу минерал кўпдан бери маълум. Кишилар уни тоғлар бағрида учратганлар, у ҳақида афсоналар ҳам тўқилган. Бундай ривоятлардан бирида Ҳиндистоннинг ёмғир ёғмайдиган, илонлар макон қурган чўлида бир тош ўсади дейилган. Иссиққа чидамли бўлиб, ундан оловда куймайдиган буюмлар тўқиш мумкин. Қабила бошлиқлари ўлса, уларнинг жасадларини ўтда куйдиришдан ав-



вал ана шу матодан қилинган кафанликка ўраб сўнг куйдирганлар. Катта зиёфатларда эса қўл артиш учун ишлатиладиган сочиқлар тайёрланган.

Ота-боболаримиз тош пахтани ёғ чироқларига пилик қилиб ишлатганлар. XVIII аср бошларидаёқ Венгрияда биринчи бўлиб асбестдан ўтда ёнмайдиган қоғоз ва пиликлар ишлаб чиқарила бошланган.

1806 йилда италиялик олим каноп аралашмасидан тош пахтанинг соф ўзидан мато тўқиш усулларини излаб, охирида нозик тўр тўқишга муяссар бўлган. Сўнгра ёзиш мумкин бўлган қоғоз ленталар, манжетлар ва бошқа нарсалар ясаган.

Қадим замонларда унинг толалиги ва оловда ёнмаслиги қадрланган бўлса, кейинги вақтларда фан тараққиёти ва саноатнинг ўсиши натижасида ундан турли соҳаларда фойдаланиш имкони туғилди. Иссиққа чидамли ҳамда электр кучини ўтказмаслик хусусиятига эга бўлган тош пахта кучли ишқорларга ва айрим кислоталар таъсирига ҳам бардош бера олади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**








**Арча кўчатлари ва асал сотилади!**

"Шўрчидонмаҳсулотлари" АЖ ўз ҳудудида етиштирилган 20000 дона, бўйи 80 сантиметрдан 150 сантиметргача бўлган уч йиллик можавельник арча кўчатларини, жамият омборхонасида сақланаётган 8 тонна тоза асал маҳсулотини сотади.

***Тўлов – нақд ва пул ўтказиш йўли билан.***

**Манзил: Сурхондарё вилояти Шўрчи шаҳри Ун завод кўчаси 1-уй.**
**Тел.: (8-376) 45-51-772, 45-54-572.**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида рўйхатга олинган "НОЗБИКАХОНИМ" хусусий корхонаси (СТИР 204832966) Чилонзор туманида рўйхатга олинган "ЧИНОР-КРЕДИТ" МЧЖга (СТИР 300598276) тўлиқ қўшилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг янги таҳрирдаги Устави давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан даъволар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.



Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
(т) -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.00
Адади - 13166

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5